

Туркменистон Президенти Ўзбекистон Президентини самимий қутлади



25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Туркменистон етакчиси давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан дилдан қутлади. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва унинг халқаро нуфузини юксалтиришга қаратилган самарали ислоҳот ва янгиланишлар давом эттирилиши тиланди.

Жорий йил 4-5 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги расмий тадбирлар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак мулоқотлар, шу жумладан минтақавий ташкилотлар доирасидаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Манба